

#### 4.3. Корхона қуидаги хукуқларга эга:

“Истеъмолчи”дан шартномада белгиланган мажбуриятларни лозим даражада бажарилишини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда “Истеъмолчи” томонидан етказилган ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр хўжалиги обьектларида авариявий ҳолатлар мавжуд бўлганда “Истеъмолчи”ни электр қурилмаларини ўчириш. “Истеъмолчи” томонидан шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда “Истеъмолчи”ни электр тармоқлардан ўчириш, шунингдек ЭНҲАТга уланган ёки олдиндан тўлов қурилмасига эга ҳисоблагичи бўлган “Истеъмолчи”ларни олдиндан тўлов тугагандан сўнг ўчириш.

“Корхона” қонунчиликка мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

“Корхона” ушбу шартномада кўрсатилган ҳолатлардан ташқари бўлган ўчириш оқибатлари учун жавобгар бўлмайди.

#### 4.4. Корхона қуидагиларга мажбур:

уланган электр тармоқлар орқали “Истеъмолчи”га - электр тармоқларининг мансублик чегарасига шартномада белгиланган хажмдаги энергияни узлуксиз етказиб бериш;

қурилмаларни, электр узатиш линияларини, ҳисоблагичларни эксплуатация қилиш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек ўзининг электр хўжалиги обьектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр хўжалиги обьектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги узилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огоҳлантириш;

энергия етказиб берилишидаги тўхташлар тўғрисида ва тўхташларнинг сабаблари тўғрисида “Истеъмолчи”га маълум қилиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида чеклашларни хажми ва вақти кўрсатилган холда олдиндан хабар бериш;

“Истеъмолчи”нинг энергия етказиб берилмаганлиги ва электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги аризасини, “Истеъмолчи”дан ариза олинган кундан ўн кундан кечиктирмасдан кўриб чиқиши, уларни бартараф этиш ва тўлақонли жавоб йўллаш;

“Истеъмолчи”га етказиб берилган энергия ҳисобини белгиланган тартибда олиб бориш;

“Истеъмолчи”нинг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ беш кун муддатда энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиши, энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмини қўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда - бу ҳақда, рад этиш сабабларини кўрсатган холда “Истеъмолчи”га хабар қилиш;

“Истеъмолчи”га ўрнатилган ҳисоблагичларни алмаштиришни, ўрнатишни ва уларга хизмат кўрсатишни, шунингдек уларни пломбалашни таъминлаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган энергия етказиб бериш.

“Корхона” қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### V. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Мазкур шартномада кўрсатилган мажбуриятлар бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда, “Корхона” бунинг натижасидаги етказилган зарарни қоплашга мажбур, “Истеъмолчи” эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

#### 5.2. “Корхона”:

“Истеъмолчи” энергия истеъмолининг белгиланган режимига риоя қилмаган, энергия истеъмолининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйган тақдирда, “Корхона” томонидан белгиланган энергия истеъмолини чеклаш жадвалини бажармаган суткаларда паст сифатли энергия етказиб берилганлиги учун;